Еттинчи мўъжиза

Яқинда Қибрай туманида «Еттинчи мўъжиза» деб номланган катта тадбир ўтказилди. Унда туманда истиқомат қилаётган 7 келинли ўн уч нафар қайнона, 7 куёвли беш нафар қайнота, 7 мучал ёшини кўрган етти нафар нуроний, 7 ёшга тўлган 12 нафар ўғил-қиз, 7-синфни аъло баҳоларга тамомлаган энг иқтидорли ўқувчилардан 7 нафари иштирок этдилар. «Еттинчи мўъжиза» тадбирида иштирок этганлар туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Тўлқин УСМОН ўғли

Озод Ўзбекистон Республикасининг асосчиси ва биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов жанобларига

Фақатгина тавсиф, ҳадис, фиқҳ, тасаввуф каби исломий илмлар намоёндалари билангина эмас, буюк давлат арбоблари, мутафаккир олимлари, санъаткорлари билан ҳам дунё тарихида машҳур Ўзбекистон Сиз бошчилигингизда қўлга киритган истиқлолнинг етти йиллигини нишонламоқда. Халқингиз ила шу мукаррам сана ғурури ва қувончи билан яшамоқдасиз.

Биз катта қарздор бўлган ота юрт — Ўзбекистон ўлкасининг, инсоният тарихининг ушбу бурилиш босқичида Сиз зоти олийлари каби тажриба, ўткир зеҳн ва юксак шахсият соҳиби бўлмиш раҳбар бошчилигида тарихга мос бир келажакка ва кўпгина қутлуғ мустақиллик йилларини нишонлашга қараб одим ташлаши, бизнинг ҳам, худди Ўзбекистон халқидек ифтихор ва мамнуниятимиз сабабидир. Шарафли ўтмиши билан бир қаторда, ўлкангизнинг геостратегик жойлашиши ва Осиё бахтининг, келажагининг олтин калити бўлиш шарафига муяссар бўлган Ўзбекистоннинг раҳбарлигингиз остида ўтмишда қолган ҳар бир кунининг аввалгисидан янада порлоқ бўлгани каби, ҳар бир келаётган кунининг олдингисидан янада ойдек ва равшан бўлишига ишончимиз комилдир.

Туркиядан келган ўқитувчи ва бошқа мутахассисларга илиқ қучоқ очиб намоён қилган буюклик, хушкўриш ва олийжаноблигингиз ҳеч қачон унутилмайди ва ўзбек, турк миллатлари ўртасидаги абадий биродарликнинг олтин ҳалқаси сифатида тарихдан ўз ўрнини эгаллайди.

Бундай ҳис-туйғулар оғушида мустақиллигингизнинг муборак етти йиллигини чин юракдан муборакбод этаркан, ўзбек миллати каби буюк бир миллат юкини зиммасига олган Сиздек кучли ва зеҳнли зоти олийларининг, халқингиз ила биргаликда яна кўп маротаба мустақиллик йилларини қутлашингизни тилайман ва ушбу фурсатдан фойдаланиб, юракдан ҳурматим қабулини арз этаман.

Фатҳулла ГУЛЕН,
Туркия журналистлар ва ёзувчилар жамғармаси раиси.

Италия идишларига шарбат қуйиб

Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда кўпроқ қўшма корхоналар барпо этиш шу куннинг талаби. Дўстлик туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкатлар бирлашмасидаги вино ишлаб чиқариш корхонасида ҳам бу борада хайрлпи иш бошланди. Хусусан, Италиянинг «Джефит» фирмаси билан вино ва шарбат қадоқлайдиган махсус линия ўрнатиш юзасидан иш бошлаб юборилди. Қиймати бир миллион 509 минг АҚШ долларига тенг бу линия ишга тушгандан сўнг йилига 7 миллион 500 минг дона 1,5 литрли пластмасса идишларга шарбат ва вино қуйиш бошлаб юборилади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 12 сентябрь, шанба • № 110 (23.347).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзингдан қўймасин, халқим!

Қушдай учиб қучоғингдан дунё кездим,
Қанча олис кетсам, шунча қадринг сездим...

Ватан, Мустақиллик, Миллат. Ҳар гал ушбу муқаддас сўзлар ҳақида ўйлар эканман, юрагим энтикиб кетади. Дунё халқлари даврасида ҳар бир миллатнинг ўз ўрни, тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, қадриятлари ўзига азиз. Ўзбегимнинг ўрни эса қадимий илм-фан, юксак маданият ва маънавият билан чамбарчас боғлиқдир.

Истиқлол бизга ўзлигимизни англаш учун тенгсиз имконият берди. Биз ҳақли равишда, буюк ўтмишимиздан, бунёдкорликка асосланган бугунимиздан фахрланамиз. Куни кеча юртимизга хориждан келган сайёҳ тарихий обидаларимизга ҳавас билан боққан бўлса, бугун эса давлатимизнинг тараққиёт суръатларига, гуллаб яшнаётган шаҳар ва қишлоқларимиздан ҳайратланмоқда.

АҚШнинг биринчи хоними Хиллари Клинтон юртимизга ташриф буюрганида ўзбекнинг улуғ тарихи ва маданиятига тан бериб **«Тошкентдан сўнг Бухоро ва Самарқандга ташриф буюрар эканман, сизларнинг муқаддас қадамжоларингиз гўзаллигидан ҳайратга тушдим. Бунинг устига мамлакатингиз алгебра фанининг Ватани ҳисобланади. Шу нарса аниқки, олам сиз эга бўлган билимлар туфайли анчагина олға силжиган...»**

Биз учун қадрлиси шундаки, бундай юксак баҳони бугунги кунда дунёнинг энг тараққий этган мамлакатининг вакиласи бермоқда. Шу каби эътироф ва мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Ўзбекистон остонасига қадам қўйган ҳар бир киши аввало унинг халқи қалбига кўз ташлайди. Ўзбек халқининг қалби эса гўзал водийларимиздек кенг ва дилрабо, дастурхонимиз, жаннатмакон еримиздек тўкин, одамларимиз юраги меҳмонга, дўстга доимо очиқ.

Яратган миллатимизга шундай ном ато этганки, Ўзбек деган сўз халқимизнинг бутун борлиғини, феъл-атворини ифода этган.

Ўзбек ўз юртига, эътиқодига, сўзига, ўзига бек эканлигига тарихимиз, бугунимиз гувоҳ. Бу сўзда миллатимизнинг ғурури, ор-номуси, мардлиги-ю, саховатпешалиги яққол намоёндир. Юртбошимизнинг Ўзбекистон ўзига хос, ўзига мос йўлига эга, сўзларининг тарихий-маънавий моҳиятини мен айнан шу моҳият билан боғлаган бўлур эдим. Бу билан биз мумтозликка даъвогарлик қилаётганимиз йўқ, бу халқимизнинг табиати ва дунёқарашидир.

Мен дунёнинг Осиё , Европа ва Африка сингари қитъаларида бўлганимда кўплаб халқларнинг турмуши ва ҳаёти билан танишганман. Баъзан хорижга бориб келган айрим ватандошларимиз кўрган-билганларини мўъжизадек таърифлаб беришади. Аслида эса ҳақиқий мўъжизалар мамлакатимизда яратилмоқда. Биз ўтган қисқа муддат ичида аждодларимиз қонида жўш урган буюк бунёдкорлик кучини қайта уйғота билдик. Мамлакатимиз салоҳиятини, у нималарга қодир эканини дунёга намойиш эта олдик.

Океан ортида хонадонлардан бирида меҳмон бўлганимда ўн тўққиз ёшли ўғил онасига отасини эрталаб иш юзасидан Нью-Йоркка учиб кетганлиги ҳақида бир энлик хат қолдирганлигини, ўзи эса икки соатдан сўнг Калифорнияга парвоз қилажагини айтган. Шунда ўзбек оиласида бундай ҳолларда ота-онадан розилик сўралиб, сўнг уларнинг оқ фотиҳаси билан сафарга отланиш одати эсимга тушди. Бизнинг урф-одатларимиз нақадар инсоний, самимий, меҳрибонлик туйғуларига бой эканлигига яна бир бор ийманган келтирдим.

Яна бир воқеа. Қўшни хонадонда 14 ёшли ўспиринниг 3 ёшли укасига меҳрибонлигидан ҳайратланганимда, у акаси эмас, балки мактабдан сўнг пул топиш учун энагалик қилаётганлигини ва балоғат ёшига етганидан хоҳласа-хоҳламаса мустақил ҳаётга қадам қўйиш учун ҳозирдан ҳаракатда эканлигини айтди.

Қарангки, фарзанд дунёга келмасданоқ, энага муаммоси кўтарилса, онанинг алласи-ю, меҳрига тўймаса, дарровгина «ҳаёт учун кураш» деб яшаса. Биздаги каби меҳр-оқибат, қариндош-уруғ деган сўзларнинг маънисига етмаса.

Бир тўйнинг гувоҳи бўлдим. Икки ёшга бахт тилаб келган қариндош-уруғ, ёр-дўстлар бир қадаҳ шампан виноси ичиб, дастурхон харжларининг қолган қисмини ўз ёнларидан тўлаш ҳам одат тусига айланган. Биз учун бу ниҳоятда ғайри табиий ҳол. Чунки, ўзбек тўйида қариндошлар, маҳалла аҳли, меҳмонлар очиқ дастурхон атрофида тўй эгасининг меҳмоннавозлик ва саховатидан баҳраманд бўладилар, тўйдан кейин ҳисоб-китоб қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Шу боис ўзбек тўйлари миллат қалби, меҳмондўстлиги, саховати рамзига айланиб қолган. Бошқа бир мисол—Ғарб дунёсида оила муносабатларидаги расмиятчилик мени ҳайратга солди. Айниқса, эр ва хотиннинг оилавий ягона эмас, балки алоҳида-алоҳида мол-мулки борлиги, ҳаттоки банкларда сармоялари алоҳида сақланиши мени таажжублантирди. Баъзан бир-бирларидан қарз ҳам олишлари улар учун оддий ҳолга айланган.

Эр-хотинни ёки аксинча хотин эрни тушликка, кечки овқатга таклиф қилади. Оилавий ўчоқ деган тушунчалар, дастурхон атрофида миллий таомлардан биргаликда баҳраманд бўлишлар ўзбегимга хос фазилатдир.

Хориждан юрагимда она-Ватанимни — Ўзбекистонимни, ўзбек халқимни қанчалик соғинганимни ҳеч қандай сўз билан ифода қилиб беролмайман. Шунда мен ўзбегимнинг алласи дунёга таралса, оилани муқаддас деб ҳисоблаган ўзбекни дунё англаса дедим. Онани ардоқлаш, фарзандни суюш, ёрни севишу, дўстга садоқатни ўзбекдан жумлаи жаҳон ўрганса дедим.

Албатта, ҳар бир халқнинг ўз урф-одати ўзига азиз. Аммо, ўзбекдек юксак маънавиятли, танти, ғурурли, оилапарвар ва болажон халқни кўрмадим. Айниқса, оила ва бола тарбияси ўзбекнинг муқаддас саждагоҳига айлангандир.

Ўзбек алломалари тарихда жаҳон илми бешигини тебратишган. Шундай улуғвор мероснинг соҳиби бўлган ўзбекка дунёнинг ҳаваси ва ҳайрати келса арзийди. Биз зўрлар ичида зўр бўлишимиз керак. Қайда бўлмайлик, нафақат ўтмишимиздан, балки эндиликда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, эришилган муваффақиятларимиздан руҳий мадад олиб, маънавиятимизнинг, юртбошимиз таъбири билан айтганда, миллатимизни бирлаштирувчи байроғимиз — миллий мафкурамизнинг куч-қудратидан бошимизни баланд кўтариб юришимиз керак.

Шоир топиб айтганидек, **«Ўзингдан қўймасин, халқим!»**

Шаҳзода МУҲАМЕДОВА

Ўтмишсиз келажак бўлмайди

Тошкентда ўзбек халқи ва давлатчилигимизнинг ҳақиқий тарихини ўрганишнинг долзарб муаммоларига бағишланган икки ҳафталик илмий-амалий семинар бўлди. Семинарни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш доирасида уюштирди. Анжуманда республика олий ўқув юртларидаги Ўзбекистон тарихи кафедралари мудирлари ва ўқитувчилари иштирок этди.

Республикамизнинг етакчи тарихчи олимлари — Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ў. Исломов, Фанлар академияси Тарих институти директори М. Исҳоқов, профессорлар Б. Қосимов, А. Саъдуллаев, К. Усмонов ва бошқалар тингловчиларга тўркум лекциялар ўқиди. Анжуманда ёш авлодни Ўзбекистоннинг бой ва серқирра тарихи асосида тарбиялаш энг муҳим вазифа экани таъкидланди. Ёшларнинг онги эски мафкуравий қолиплардан холи бўлиб, мустақиллик тамойиллари асосида шаклланиши лозим. Бунинг учун ўқувчиларга ўзбек халқининг ўтмиши, ўзбек давлатчилиги барпо этилишининг жараёнлари ҳақида ҳаққоний маълумот берилиши зарур.

Олий таълим вазирлиги мутахассислари бу мавзу бўйича замон талабларига жавоб берадиган янги ўқув дастури лойиҳасини тайёрлаган. Ўзбекистон тарихини ўрганиш бўйича тадқиқотларни кенгайтириш режалаштирилган. Бу ишга Академия институтлари олимларигина эмас, республика олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳам жалб этилади. Шунингдек, бу йўналишда иш олиб бораётган етакчи хорижий илмий марказлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Тингловчилар семинарда олган билимлар уларга олий ўқув юртларида талабаларга 1 октябрдан бошлаб мамлакатимиз тарихини тарих фанига замон талаблари асосида ёндашган ҳолда ўргатиш имконини беради. Бунга қадар республика олий ўқув юртлари тарих ўқитувчилари учун худди шундай яна бир семинар ўтказилади.

Семинарда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев сўзга чиқди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва барча ватандошларингизга самимий қутловларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Барча ўзбекистонликларга бахтли келажак ва омонлик тилайман.

АЛЬБЕРТ,
Бельгияликлар Қироли

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан Ямайка ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига самимий қутловлар изҳор этмоқчиман.

Келгусида ҳам давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун имкониятлар янада кенгайишини сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

П. Ж. ПАТТЕРСОН,
Ямайка Бош вазири

«Президент кубоги»

Халқаро қизиқиш ортмоқда

Яна бир кундан кейин мусобақа бошланади









«Президент кубоги» учун илк марта халқаро мусобақани ташкил этиш 1994 йилга тўғри келганди. Бундай баҳсни уюштириш учун алоҳида «Юнусобод» теннис ўйингоҳи барпо этилди. Мана шунга ҳам беш йил бўляпти. Бу сафар йилдан-йилга халқаро нуфузи ортиб бораётган совриндорлик баҳсини бешинчи марта ўтказишга шай бўлиб турибмиз.

Сассон Какшурининг эътироф этишича, Тошкент мусобақасининг довруғи оламга ёйилган. Мутахассислару машҳур теннисчилар Тошкентга боришни орзу қилмоқдалар. Бу — Ўзбекистоннинг ўзига хос табиати, одамларимизнинг меҳмондўстлиги, муҳими халқаро талабларга мос шарт-шароитлар яратилиши билан боғлиқдир.

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис кошонаси байрамона безатилган. Майдончаларнинг ҳаммасига бир хил мовий тус берилди. Мусобақаларни ташкил этиш, меҳмонларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, бўш вақтларининг кўнгилли ўтиши учун зарур тадбирлар режалаштирилиб қўйилган. Томошабинлар ҳам сира зерикишмайди. Улар лотерея ўйинларида қатнашиб, мукофот олишлари мумкин. Бир ҳафта давом этадиган баҳсларга олдиндан билетлар сотилмоқда. Уларни Марказий ва Чорсу универмаглари, «АРДУС» ва Акмал Икромов супермаркетлари, «Савдо уйи», «Болалар дунёси», «Чилонзор савдо уйи» ва бошқа жойлардан олиш мумкин.

Бу сафар Буюк Британиядан Тим Хэнман, Россиядан Евгений Кафельников, Франциядан Седрик Пьолин, Италиядан Андреа Гауденци, Швейцариядан Марк Россе, голланд Сьенг Шалькен ва бошқа кучли теннисчиларнинг келиши кутиляпти. Мусобақага юртдошларимиз ҳам пухта хозирлик кўришган. Бу гал Олег Огородов мукофотли ўринлардан бирига даъвогарлик қилиши мумкин. Вадим Куценко, Дмитрий Томашевич, Темур Ғаниев, Антон Кокурин, Маҳмуд Охунжоновлар ҳам ўзларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бир сўз билан айтганда, ҳафта мобайнида Тошкентда байрамона кайфият, халқаро мусобақа нафаси ҳукмронлик қилади. Мухлисларни унутилмас таассуротлар кутмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ

Журналист текшируви

«Тафтишчи» мухбир ким ўзи?

Телефон устма-уст жиринглади. Гўшакни кўтарсак, Тайлоқ туманидан «безовта қилишаётган» экан:

— Кечирасиз, Бахтиёр О. деган мухбирларингизни юборган экансизлар, — деди хижолатомуз товушда суҳбатдошимиз. — Мақсадларини аниқ тушунмаяпмиз...

— Қайси Бахтиёр? — ҳайрон бўлиб сўрадик. — Бизда Бахтиёр Абдусатторов деган журналист ишлайди, у бугун газетага навбатчи. Яқин орада Самарқанд томонга боргани ҳам йўғиди.

— Абдусатторовни биз ҳам таниймиз. У келгани йўқ. Бу йигитни энди кўриб турибмиз. Қўлида таҳририятларингиз томонидан берилган «Гувоҳнома» бор...

Ҳайрон бўлдик. Қайси Бахтиёр, кимдан ҳужжат олган экан? Сим қоққан биродаримизга эса бирор жўяли жавоб айтиш зарур.

— Самарқандда вилоят мухбиримиз бор-ку. Ўшанга қўнғироқ қилинг. Масалага тезроқ ойдинлик киритади...

Хуллас, кўп ўтмай ўша Бахтиёр О. деганларини топдик. Кўринишидан ажабтовургина, сумбату салобати ўзига яраша. Бирор жойга фалончиман деб борса боргулик. Фақат...

Реклама билан шуғулланишга қизиқаман, дея бир пайтлари амаллаб «Гувоҳнома» олгани рост экан. Бирикки ташкилотлар билан келишиб, унча-мунча рекламалар уюштиргану... сўнг ўзича чинакам «тафтишчи»га айланиб кетган.

(Кези келганда шуни таъкидламоқчимизки, бу йилдан эътиборан таҳририятимиз ходимларига янги нусхадаги «Гувоҳнома»лар берилди. Илгари берилган эски «Гувоҳнома»ларнинг барчаси бекор қилинган...)

Яқинда Қибрай туманида Раҳимжон деган йигит пайдо бўлди. Ўзини қайсидир журнал ходимиман, деб таништирган йигит «ташрифнома»га ўхшаш ялтироқ қоғозчани ҳатто кўксига тақиб олганди.

— Журналимиз Франгистонга ҳам боради, — дейди у. — Ўзбек маҳаллалари ҳақида ёзмоқчийдим...

Юриш-туришларидан тупроқсиз кетди. Яқинда «Постда» газетасида антиқа «Қидирув»ни ўқиб, ҳайрон қолдик. «Ургут тумани ички ишлар бўлими томонидан... қидирилмоқда. У 1996 йилда уйидан чиқиб кетганча қайтиб келмаган. У ўзини бирор газета ё журнал ходимиман, деб таништириши мумкин...» Ана холос. Демак, Раҳимжонни ахтаришга тушганлар унинг шунақа қилиғи борлигини ҳам билишади...

Ўтган йили Иштихон туман марказий шифохонасига Баҳодир А. деган йигит борган ва ўзини қайсидир газета мухбириман, деб таништирган. Биринчи муддаоси, «хизмат сафарда тобим қочиб қолди» қабилидаги гаплар бўлган. Ранг кўр, ҳол сўр, деганларидек, шифокорлар дарров ўз бурчларини бажаришга киришганлар. Уни шинамгина палатага ётқизиб, зарур муолажа кўрсатишган. Албатта, Баҳодир «мухбирман» дегани учун эмас, ранг-рўйидан касаллиги аён кўриниб турганини боис тиббий хизмат кўрсатилган. Бироқ, «заҳар сочмоқ эмиш чаённинг иши» деганларидек, танасига кўпроқ жон эма бошлагани ҳамоно баҳонакаш «мухбир»нинг хурмача қилиқлари пайдо бўлаверган. Қилдан қийиқ ахтараверган. Унинг дардига малҳам бўлган шифокорларнинг оқ халатларига қора чаплашга уринган. Ахийри, бу ҳақда ҳам таҳририятимизга хабар қилинди. Бир чўқиб, ўн бора аланглаб турадиган қарғадек «ҳамкасбимиз» ҳаш-паш дегунча жуфтакни ростлаб қолибди...

Эътибор берсангиз, шунақа таъмагир товламачилар қаерга бормасин ўзларини ё мухбир, ё солиқчиман, деб таништиришади. Уларнинг аксарияти аллақаерлардан (ясама бўлса-да) ҳужжатпужжат ҳам тўғрилаб олган бўлишади. Устаси фаранглар баъзан ўзларини «ички ишлар бўлими ходими» деб таништиришдан ҳам тоймайдилар. Шапалоқдек «гувоҳнома»ни ҳам топишади. Не ҳолки, сўнгги пайтларда шунақа товламачилар ҳақидаги гаплар тез-тез қулоққа чалинаётгани ачинарли ҳолдир.

Бироқ, товламачи — овламачи бўлса, унинг қаршисида ақли расо кишилар нақот довдираб қолишлари керак? Шу ўринда ёзувчи Гоголнинг «Ревизор» асари ёдга тушади. Қандайдир тафтишчи келишидан саросимага тушган бир гуруҳ корчалонлар бошқа бир ўткинчи йўловчини кўрибоқ талвасага тушиб қоладилар. Тафтишчи шу бўлса керак, деган ўйда ҳаммаси бирдек елиб-югуришга тушадилар. Охирида эса ўзлари шармандаи шармисор бўлиб қоладилар.

Энди бугун ўшанақа «тафтишчи»ларга алданиб, ё улар гапига лаққа ишониб қолиш ярамайди. Солиқчи ё меҳмисаман дедими, уни аниқлаб олиш учун тегишли идорасига сим қоқиб сўралса, кифоя. Журналистман ё мухбирман, дегувчиларни билиб олиш ундан ҳам осонроқ. Бунинг учун ҳар бир киши кундалик газеталарни кузатиб бориши лозим. Ахир, мухбирман деган одамнинг ёзганлари қайсидир газетада ёритиб борилади, номи ўзига яраша таниш бўладику!

Ҳақиқий журналист ё мухбир бирор жойга борганида ҳужжатини кўрсатиб пешгирлик, таъмагирлик қилмайди. Осмону фалакдан келиб муомала қилмайди. У ўз касби одобини яхши билади. Муддаоси ҳеч вақт ёмонлик бўлмайди.

Айниқса, журналистлик — жуда улуғ касб, деб биламиз. Ҳуқуқий давлатимизда бу соҳа тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилди. Бир неча қонунлар қабул қилинган матбуотни равнақ топтириш учун. Матбуот учун бугун барча эшиклар очиқ! Шундай кезда ақл қаймоғи, юрак қийноғи, кўз чироғи билан газета-журнал чиқаришаётган таҳририят ходимларига ҳам осон тутиб бўлмайди. Даврнинг ўзига яраша залворли юкини кўтаришаётир ҳақиқий ҳамкасбларимиз.

Шундай дориломон замонда қайсидир «устамон»ларнинг бу қадар тубан кетишлари, «кўпнинг ошига хира пашша» бўлишга чиранишлари ҳам кулгили, ҳам ачинларли ҳолдир.

Хуфёна киссавурлик қиладиган ўғрини унча-мунча одам вақтида сезмай қолиши мумкин. Бироқ, савлат тўкиб борадиган товламачининг нағорасига ўйнаб қолмаслик ҳар кимнинг ўз қўлида, деб биламиз. Токи, ўткинчи «тафтишчи»лар қаршисида ўша асар қаҳрамонларининг ҳолига тушиб қолмаслик керакдир.

Бобо САРОЙ,
Тўлқин ЭШБЕК,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари


Автосалон ишга тушди

Пойтахтимизда яна бир замонавий «Роҳат» автосалони ишга туширилди. У катта магистраль — серқатнов йўл ёқасида қад ростлади. Бу ерда автомобилларни сотиш, ҳужжатлаштириш, расмийлаштириш билан бирга автомобиллар сервис хизмати ҳам йўлга қўйилган.

— Шу бугунгача Асака автомобилларидан 80 мингдан ортиқроғи автосалонлар орқали сотилди, — дейди «Ўзавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Азиз Ғайбуллаев. — Демак, ушбу қурилиб фойдаланишга топширилган автосалон ҳам халқимизнинг қувончли кунларига хизмат қилади.

... Лента қирқилди. Тўпланган меҳмонлар муҳташам бино ичига киришга ошиқдилар. Ял-ял товланиб турган Асака автомобилларини бағрига олган, дид билан безатилган залга кирар экан, ҳаммани ҳаяжон қуршади, юзлардан қувонч уфурди. Сўнг шу ернинг ўзида «Ўзавтотеххизмат» дўконларидан сотилган автомобилларнинг харид рақамлари асосида лотерея ўйини ўтказилди. Энг катта ютуқ — «Нексия» автомобили Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани «Қўрғонтепа» жамоа хўжалигига чиқди. Жарқўрғонлик М. Тўраев, Тошкент шаҳрилик У. Мирвалиева, ургутлик Ф. Хазратқуловлар эса «ЎзДЭУ»да ишлаб чиқарилган рангли телевизорларнинг соҳиби бўлишди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Шаҳрихон туманидаги 29-ўрта мактаб қошида «Одина» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ишга туширилди. Бу ерда ўқувчилар учун махсус кийимлар тайёрланмоқда.

СУРАТДА: фирма раҳбари Одинахон Отахонова ёш чеварлар ишини кўздан кечирмоқда.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

Солиқчилар хабар қилади

Шунақаси ҳам бўлади...

ёки қўлбола бензин ҳақида эшитганмисиз?

Вазирлар Маҳкамасининг 240-сонли «Ёнилғи мойлаш материалларининг сотилишини, сақланишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари шу кунгача 253 маротаба текшириш ўтказдилар. Шундан 204 тасида турли қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу фуқароларнинг қилган нотўғри хатти-ҳаракатлари юзасидан тўпланган ҳужжатларнинг тўрттаси прокуратура органларига, 131 таси суд идораларига юборилди. Қирқ олти нафар фуқарога нисбатан солиқ идоралари томонидан 144100 сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Мунтазам равишда ўтказилаётган рейдлар давомида вилоятдаги АЁҚШлардан 28 тасида 880 литр ёки 22500 сўмлик камомад, 3 тасида 54 литр 5700 сўмлик ортиқча маҳсулот борлиги аниқланди. Шу билан биргаликда 156 нафар фуқаролар томонидан 3417 литр бензин ҳамда 2300 литрдан ортиқроқ автомобиль мойларининг қонунсиз сотилаётганлик фактлари аниқланиб, жойлардаги суд идоралари томонидан давлат фойдасига мусодара қилинди.

Қўлбола спиртли ичимликлар ҳақида кўп ёздик. Қолаверса, уй шароитида тайёрланган хўжалик совунлари, тузланган маҳсулотлар ва турли хил бошқа озиқ-овқатлар ҳақида ҳам кўп эшитгансиз. Лекин, қўлбола — уй шароитида тайёрланган нефть маҳсулотлари — бензин ҳақида ҳам эшитганмисиз?

Яқинда солиқ ходимлари Тошлоқ тумани «Кўмирчилик» маҳалласида истиқомат қилувчи, фуқаролар К. Обидбой, О. Умарали ҳамда «Оқолтин» жамоа хўжалиги Кийгизчилик қишлоғида яшовчи М. Собиржонларнинг хонадонларини кўздан кечирганларида улар ўз ҳовлиларига ёқилғи маҳсулотини ишлаб чиқарувчи қўлбола тарзда ясалган мосламалар ўрнатиб олиб, бу ускуна ёрдамида нефть маҳсулотини қайта ишлаб, ёқилғи маҳсулоти (бензин) тайёрлаб сотаётганлиги аниқланди. Қоидабузарлардан жами бўлиб 1230 литр бензин, 170 литр қайта ишланмаган нефть маҳсулоти ҳамда қўлбола асбоб-ускуналар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Шу ерда ўз-ўзидан ҳақли бир савол туғилади: хомашёни қаердан олишган? «Тадбиркор»ларнинг айтишларича, Қиргулидаги нефтни қайта ишлаш заводининг атрофидаги маҳалла фуқаролари (асосан, Какир қишлоғи фуқаролари) ўз уйларидаги қудуқлардан пақирлаб олишиб, 200 литрли бочкаларда ҳар бирини 1000-1200 сўмдан олиб келиб беришаётган экан. Бу — уларнинг гапи. Ҳақиқатан ҳам нефтни қайта ишлаш заводи ҳавзаларидаги нефть маҳсулотлари ер бағрига сингиб, ён атрофдаги сув қудуқлардан сизиб чиқаётган бўлиши ҳам мумкин. Бу муаммони бир пайтлар машҳур журналист Дадахон Нурий ҳам бир неча бор республика матбуотига олиб чиққан эди. Яна бир тахмин — ҳақиқатан ҳам хомашёни Қиргули нефтни қайта ишлаш заводи атрофидаги фуқаролар олиб келиб беришаётгандир. Фақат, сув қудуқларидан эмас, аксинча, заводнинг ўзидан, ҳар хил йўллар билан, яширинча олиб чиқилаётган бўлиши ҳам мумкин. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам, албатта, бизнинг тахминимиз. Ҳақиқатни эса суд айтади. Чунки, ушбу ҳар икки иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 169-моддаси 1-қисми, 188-моддаси 2-қисми «б» банди, 190-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Фарғона вилояти солиқ бошқармасининг матбуот хизмати бошлиғи

Оқилона ташқи иқтисодий сиёсат

мамлакатни инқирозлардан, бўҳронлардан омон сақлайди

Бир воқеа ҳеч хаёлимдан кўтарилмайди. 70-йилларнинг бошида ўрта мактабни битириш арафасида бир синфдош дўстим олий ўқув юртларига кирувчилар учун чиқарилган маълумотномада «халқаро иқтисодий муносабатлар» мутахассислиги деган сатрга кўзи тушиб қолиб, шу соҳага ўқишга киришга азму қарор қилади. Лекин Ўзбекистоннинг бирорта олий ўқув юртида ушбу мутахассислик бўйича кадр тайёрланмас экан. Дўстим, гарчи Москвага бориш моддий жиҳатдан қанчалик қийин бўлишига қарамасдан, умид билан Москва халқаро муносабатлар институтига хат ёзиб, қандай ҳужжатлар тайёрлаш кераклигини сўрайди. Жавобда «халқаро иқтисодий муносабатлар» мутахассислигига ўқишга кириш учун албатта, Москва пропискаси бўлиши шартлиги, чунки ушбу мутахассислик бўйича Ўзбекистонда иш йўқлиги айтилган эди. Ўшанда у ўзи қизиққан мутахассисликни эгаллай олмай, армонда қолганди. Яқинда ўша дўстимни учратиб қолдим. У ёшликда ушалмаган орзусига мустақиллигимиз туфайли эришганини, ўғли АҚШда халқаро иқтисодий муносабатлар соҳаси бўйича таълим олаётганини тўлқинланиб гапириб берди.

Ҳа, мустабидлик йилларида юртимиз ташқи дунёдан тўлиқ ажратиб қўйилганди. Сиёсий ва иқтисодий алоқалар учун керакли тузилмалар амалда мавжуд эмас эди.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Наҳотки, ўзининг бой тарихига эга халқимизда хориж давлатлари билан дипломатик ва иқтисодий алоқалар қилиш тажрибаси бўлмаган? Ахир азалдан маданият бешиги ҳисобланган Туронзамин чор Россияси босиб олган давргача Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи савдо маркази ҳисобланарди-ку! Мамлакат ҳудудидан топилган археологик буюмлар эрамиздан аввал ҳам бошқа халқлар билан савдо-сотиқ ишлари олиб борилганини кўрсатади. Айниқса, «Буюк ипак йўли»нинг аҳамияти жуда катта бўлган. Ўзбек хонликлари XVI асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида Шарқ ва Ғарб давлатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини кенг йўлга қўйган. Масалан, Бухоронинг 22 та карвонсаройидан 9 тасини Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг савдогарлари эгаллаган. Бу даврда ўзга юртлардан турли хил матолар, чинни буюмлар, қимматли тошлар, тамаки, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинган. Четга пахта, тангалар, темир, мис, қоракўл терилари сотилган.

Ўзбек модели тамойиллари

Ўтган 7 йил мобайнида тарих тўфонларидан омон чиққан халқимиз юрагининг тўрида яшириниб ётган катта куч, билим, тажриба уйғона бошлади...

Ўзбекистон Евроосиё материгининг қоқ ўртасида, дунё океанидан бир неча минг километр узоқликда жойлашган. Бу, савдо алоқалар қилишда муайян қийинчиликлар туғдиради. Четдан олиб келаётган ва четга сотаётган маҳсулотларимиз таннархининг ошишига олиб келади. Буларни инобатга олиб мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жаҳон бозорига чиқишнинг энг арзон ва қулай йўлларини қидирдик. Ички ва ташқи коммуникацияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Халқимиз тарихида ҳеч қачон шу бугунгидек кенг қамровли темир ва автомобиль йўллари қурилиши амалга оширилмаган. Юртбошимиз ташаббуслари билан қадимий «Буюк ипак йўли»ни тиклаш ишлари халқаро тус олди. Куни кеча Бокуда 30 дан ортиқ давлат раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар иштирокида Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган конференцияда республикамиз Президенти И. Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси иштирок этди. Анжуманда давлатимиз раҳбари Буюк ипак йўлини мамлакатлар иҳтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини аниқ далиллар билан асослаб бердилар: **«Бу йўл 2000 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Шарқ ва Ғарбни савдо-иқтисодий ришталари билан боғлади. Мазкур минтақада яшовчи халқларнинг маданий-маънавий алоқаларини мустаҳкамлади. Ипак йўлини тиклаш ғояси айрим шахслар фаолиятининг маҳсули эмас, балки, бу — ҳаётий заруратдир. Дунё тараққиёти талаблари шуни тақозо этмоқда».**

Маълумки, ҳар қандай бой ва катта салоҳиятга эга давлат ҳам ташқи иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўймасдан тараққиётда кутилган натижаларга эришолмайди. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир. Шу боис ёш давлатимиз дунё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш борасида изчил сиёсат олиб бормоқда. Нисбатан қисқа муддатда хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилди: мустақил мамлакатнинг қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Уларни такомиллаштириш устида тинмай иш олиб борилмоқда.


1

Ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида республиканинг замонавий ташқи иқтисодий мажмуини, уни бошқаришнинг мутлақо янги тизимини шакллантиришга тўғри келди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: **«Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди».** Бу фикрлар тўғридан-тўғри ташқи иқтисодий алоқаларга тааллуқлидир.

Қисқа вақт ичида мамлакатимиз етакчи халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, ЭСКАТО, ЮНКТАД комиссиялари, Европа Иттифоқи комиссияси, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки ва бошқа бир қанча иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатди.

Ўтган даврда ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларнинг таркиби ва тузилиши тубдан ўзгарди. Республиканинг 2 мингдан кўпроқ хўжалик субъекти, шу жумладан уюшмалар, концернлар, кичик ва хусусий корхоналар ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини олди.

Ташқи савдо оборотининг ўсиши (миллион АҚШ доллари ҳисобидан)



Маълумки, Ўзбекистон мустақилликкача бўлган даврда, четга асосан пахта толаси сотарди (1992 йилда экспорт тузилмасида 77,6 фоизни ташкил этган). Демак, республикамиз иқтисодиёти жаҳон хўжалигининг энг кам истиқболли — хомашё бозорига тўлиқ қарам эди. Дунё тажрибаси кўрсатиб турибдики, фақат хомашё экспортига таянган бирорта давлатнинг «косаси оқармаган».

Ўзбекистон бугун жаҳон бозоридан муносиб ўрин олмоқда. 1997 йилда ташқи савдо оборотини қарийб 9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди (1992 йилга нисбатан 5 баробар ошди). Маҳсулотларимиз дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Хомашё ресурслари экспорти улуши камайиб, тайёр маҳсулотлар, жумладан, қайта ишланиш даражаси юксак бўлган маҳсулотлар экспорт қилиш ҳажми ошмоқда. Бунга нефть ва нефть маҳсулотлари, газ, автомобиллар, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш ва бошқалар ҳисобидан эришилди. Масалан, 1997 йилда четга машина ва асбоб-ускуналар сотиш 1992 йилга нисбатан 3,8 баробар, кийим-бош ва оёқ кийим 27 баробар, озиқ-овқат маҳсулотлари 11,9 баробар ошди.

Экспорт тузилмасидаги ўзгаришлар (фоиз ҳисобида)





Маълумки, собиқ империя биздан пахта, тилла ва бошқа бойликларимизни олиб кетиб, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга энг зарур бўлган маҳсулотларнинг аксарият қисми четдан олиб келинар эди. Тўғрисини айтсак, республикамиз 3 томондан «Хитой девори» билан ўралган бўлиб, ташқи дунёга фақат Россия орқали чиқиши мумкин эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи савдо ҳажмининг 70-80 фоизи МДҲ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1997 йилга келиб, экспортнинг 65,6 фоизи, импортнинг 72 фоизи ривожланган хорижий давлатлар билан амалга оширилди.

Ўзбекистон МДҲдаги бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, ички бозорни хориждан сотиб олинган моллар билан тўлдиришга эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлини танлади. Ҳамдўстликдаги қатор мамлакатлар валюта заҳиралари ва чет эл кредитларнинг асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга сарфлаган бўлса, бизда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган технологияларни олиб кириш, қўшма корхоналар ташкил қилиш устувор вазифа деб белгиланди. Истеъмол моллари-нинг энг зарур турларини ўзимизда ишлаб чиқариш нафақат валюта ресурсларимизни тежашга, давлатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, балки маҳсулот таннархини тушириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган. «Ўзбек модели»нинг ўзига хос томони ҳам шунда намоён бўла бошлади.

Бу жараён ташқи савдо оборотида содир бўлган ўзгаришларда ўз аксини топди. Агар 1992 йилда республикамиз импортида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 73,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1997 йилда бу кўрсаткич 19,3 фоиз бўлди. Машиналар, асбоб-ускуналар, технологик жиҳозлар 1992 йилда импорт таркибида атиги 0,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1997 йилда 45,9 фоизга етди. Фақатгина 1997 йилда 1996 йилга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари импорти 2 баробар камайди.

Импорт тузилмасидаги ўзгаришлар (фоиз ҳисобида)



2



Нефть, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш кескин кўпайганлиги, ғаллачиликда юқори натижаларга эришганлиги туфайли республика нефть ва дон бўйича хорижий давлатларга қарамликдан қутулди.

Россиянинг бугунги иқтисодий инқирозга юз тутиши айнан у танлаган йўлнинг нотўғрилигида ётибди. Шундай ресурсларга бой, катта салоҳиятли давлат четдан олган кредитларни ва валюта тушумларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эмас, балки четга хомашё бериб, ўрнига озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш йўлини танлади. Натижада истеъмол бозори издан чиқди. Бу ўз навбатида рублнинг қадрсизланишига тўғридан-тўғри таъсир қила бошлади.

Президентимиз Озарбойжонга сафари олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Россиядаги воқеаларга ўз муносабатини билдириб, у ердаги вазият бизга тўғридан-тўғри таъсир қилмаслигини асосли тушунтириб бердилар. Агар Россия билан Ўзбекистоннинг савдо оборати ҳажми ва тузилмасини таҳлил қиладиган бўлсак, юқоридаги фикрларнинг тўғрилигига яна бир карра икрор бўламиз. Масалан, 1997 йилда Ўзбекистон билан Россия экспорти ва импорти ўртасидаги сальдо (фарқ) 65,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Демак, биз Россияга кўпроқ мол сотиб, улардан камроқ сотиб оламиз. Агар 1992 йилда Россияга сотган маҳсулотларимизнинг 58,8 фоизи пахта толаси, 7,6 фоизи машина ва жиҳозларга, атиги 1,7 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келган бўлса, аксинча 1998 йилнинг биринчи ярмида пахта толасининг улуши 21,1 фоизга тушиб қолди, машина ва ускуналар 31,1 фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари 14,1 фоизга кўтарилди. Қисқа вақт ичида биз Россиядан озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қиладиган давлатдан, уларни экспорт қиладиган давлатга айландик. Импорт тузилмасида 1992 йилда ёнилғи маҳсулотлари 61,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1998 йилнинг биринчи ярмида Россиядан ёнилғи сотиб олиш деярли тўхтатилди. Ҳозир асосан машина ва ускуналар (43,8 фоиз), химия маҳсулотлари (16,2 фоиз), қора металлар (15,1 фоиз) сотиб оляпмиз.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давлатимизнинг шарт-шароитлари тақозо қилган бўлса, ҳозир экспорт қувватини ошириш имкониятлари бор саноат тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг узвий қисми ҳисобланган хорижий инвестицияларни иқтисодиётимизнинг устувор тармоқларига олиб киришга кенг йўл очилмоқда, уларга маълум имтиёзлар берилмоқда. Мамлакатимизда чет эл компаниялари ва фирмалари билан ҳамкорликда инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Фақатгина 1997 йилда хорижий инвестицияларнинг ҳажми 1,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди, бу 1996 йилги даражадан 1,3 баробар кўпдир. Капитал маблағларнинг бешдан бир қисми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Республикада хорижий сармоялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпаймоқда. Ҳозирги кунга келиб дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакати сармоялари иштирокида 3200 дан ортиқ қўшма корхона рўйхатга олинган. 1997 йилда улар томонидан 123 миллиард сўм ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу 1996 йилга нисбатан 3 баробар кўпдир.

